

ШАРТНОМА № 4

Наманган шаҳри

« 23 » сентябрь 2022 й.

Биз ким, ушбу шартномани тузувчилар бир томондан « Буюртмачи » деб номланувчи Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллар савдо комплекси АЖ номидан, унинг директорини Ш. Хамроҳужаев ва куйида иккинчи томондан « Бажарувчи » деб номланувчи « УСТА-ХАЙДАРАЛИ ХАУ » К.К. номидан унинг раҳбари Н.Мамадалиев ўз Низоми ва амалдаги қонулар асосида ушбу шартномани туздик.

1. Шартноманинг мазмуни

« Буюртмачи » АЖ Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллар савдо комплексини дўконлар қурилиши лот № 147844 ишларини, мазкур шартноманинг ажриалмас қисми билган смета-молия ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида бажариб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Қурилиш-таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча зарур иш ва маълумотларни, шунингдек иш буйича маслаҳатларни « Буюртмачи » нинг ўз кучи ва маблағи ҳисобига таъминланади.

1.3. Шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган қўшимча ишлар томонларнинг ёзма равишдаги қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

2. Қурилишни бажариш муддати

2.1. Ишларни бажариш муддати **55 кун**и ташкил этади.

2.2. «Бажарувчи» га ишлар бажарилган тақдирда барвақт топшириш ҳуқуқи берилади.

3. Шартнома киймати

3.1. Молиявий смета ҳисоб-китобларга қура шартноманинг тўла киймати 2 927 500000 (**Икки миллиард тўққиз юз йигирма етти миллион беш юз минг сўм**) сўмни ташкил этади.

4. Материаллар билан таъминлаш

4.1. Томонлар келишувига қура бошқа тартиб урнатилмаса, ушбу шартномага мувофиқ ишларни тулик бажаришдаги зарур материалларни « Буюртмачи » ўз томонидан ёки «Бажарувчи» ўз томонидан 10 кун ичида смета-молиявий ҳисоб-китобида қўрсатилган тур, микдорда ва нархларда ишларни бажариш жойларига етказиб беради.

5. Ишларни қабул қилиб олиш

5.1. Қисман ёки тўла бажарилган қабул қилиб олиш томонлар имзолаган қабул қилиш актлари билан расмийлаштирилади.

5.2. Ишларни топшириш-қабул қилиш актлари ва тегишли бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари пул тўлаш учун тўлиқ асос ҳисобланади.

6. Узаро ҳисоб китоблар тартиби.

6.1. « Буюртмачи » шартномани имзолаш билан бир вақтда « Бажарувчи » га Ушбу шартномада қўрсатилган ишларни маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши зарур.

6.2. «Буюртмачи» иш бошлаш учун смета-молиявий ҳисоб-китобидаги умумий кийматдан 15% ни яъни 439125000 (Тўрт юз ўттиз тўққиз миллион бир юз йигирма беш минг) сўмни « Бажарувчи » нинг банкдаги ҳисоб-рақамига ўтказиши шарт, акс ҳолда ишларнинг бажариш муддати мос равишда узайтирилади.

6.3. « Буюртмачи » « Бажарувчи » томонидан қурилиш ишлари тулик бажарилгандан сунг, уларни ишларни тасдикловчи (Ф-2,Ф-3) хужжатлар тақдим этилгандан кейин колган 85% микдорида маблагларни тўлаб беради .

6.4. « Буюртмачи » « Бажарувчи » томонидан қурилиш ишлари тўлик бажарилгандан сунг , 5% микдорида маблаглари бир йилдан сунг туланади.

7. Алохида шартлар

7.1. Бевосита объекта бажариладиган ишлар учун « Буюртмачи » «Бажарувчи» га ишларни бажариш учун ярокли (буш, ёруг, иссик) бино ва материаллар сакланадиган хоналар билан таъминлайди.

7.2. Бинолар « Буюртмачи » қоровуллари томонидан қурикланади ва ишларни бажариш учун сарфланган электр энергия хакларини «Буюртмачи» хисобидан тўланади.

7.3. Қурилиш материаллини ишлаб чиқарувчини (сифат сертификати) берган кафолатига қаралади .

8. Ижро кафолати.

8.1. Ушбу шартнома шартлари бузилган тақдирда, айбдор томон кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,4% микдорида пеня тулайди. Бирок, хисобланган пеня бажарилмаган мажбуриятларнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

8.2. Тулов талабномасини бажаришдан асоссиз равишда ёки қисман бош тортганлиги учун « Буюртмачи » « Бажарувчи » га ўзи тўлашдан бош тортган пул микдорининг 2% ҳажмида жарима тўлайди.

8.3. Устама ва жарима тўлаш томонларнинг ушбу шартларни бажаришдан озод этмайди.

8.4. Ушбу шартнома буйича келишмовчиликлар Хўжалик суди орқали хал этилади. «Бажарувчи» шартномада курсатилган ишларни тўла бажарилишини ҳамда «Буюртмачи» га берадиган барча махсулотларнинг сифатига ва давлат стандартларига тўғри келишлик кафолатини олади.

Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31-Декабрғача.

9. Томонларни манзиллари ва банк реквизитлари

« Буюртмачи »

Жахон ихтисослаштирилган арлаш
моллари савдо комплекси АЖ
Наманган шаҳар Бобуршо кучаси

Х/Р 20 210 000 500 783 228 001

МФО 00711 ИНН 201973983

ДТ Халкбанк Наманган филиали

ОКОД 68201

Директор: Ш.Хамроҳўжаев

« Бажарувчи »

«УСТА – ХАЙДАРАЛИ ХАУ» К.К

Наманган шаҳар 5А кичик туман 34-уй
37-хонадон

Х/Р 20 208 000 904 407 404 001

МФО 01037 ИНН 205657035

Тошкент ёки Қишлоқ қурилиш банк

Воғон офис

ОКОД 61110

Раҳбари: Н.Мамадалиев